

МАМЛАКАТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ОМИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ("НАВОИЙ" ЭИЗ МИСОЛИДА)

Каримқулов Жасур Имомбоевич

Тошкент молия институти иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,

Тошкент, Ўзбекистон.

email: karimqulovj@mail.ru

ORCID: 0000-0002-9241-9153

Бекзод Абдуқахоров Ўткир ўғли*

Тошкент молия институти талабаси, Тошкент, Ўзбекистон.

email: abdukaxaroff@mail.ru

ORCID: 0000-0001-5111-9042

USING OF THE FACTOR OF FREE ECONOMIC ZONES IN ACTIVE ATTRACTION OF INVESTMENTS IN THE COUNTRY (ON THE EXAMPLE OF NAVOI FEZ)

Karimkulov Jasur Imomboevich

Tashkent Institute of Finance, Doctor of economic sciences, Professor,

Tashkent, Uzbekistan.

email: karimqulovj@mail.ru

ORCID: 0000-0002-9241-9153

Bekzod Abdukakhorov Utkir ugli*

Student of Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan.

email: abdukaxaroff@mail.ru

ORCID: 0000-0001-5111-9042

JEL Classification: E2, E22

Аннотация. Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналарни миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситасига айлантириш йўллари, эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишнинг макроиқтисодий омиллари ҳамда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожига муҳим аҳамият касб этиб келаётган "Навоий" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган корхоналар фаолияти кўриб чиқилиб, уларни янада такомиллаштириш имкониятлари таҳлил этилган. Шу билан бир қаторда эркин иқтисодий зоналар фаолияти юзасидан ўзларининг илмий-изланиш-

ларини олиб борган иқтисодчи олимларнинг соҳа юзасидан билдирган фикрлари ўрганиб чиқилган. Ўрганилган адабиётлар юзасидан эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этиши асослари, уларни ташкил этишнинг мақсади ва шу мақсадга эришиш борасида белгилаб қўйилган вазифалар, эркин иқтисодий зоналар омилидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг иқтисодий тармоқларига инвестициялар, хусусан хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб қилиш, қулай инвестиция муҳитини таъминлаш, инвестицион фаолликни ошириш масалалари кенг қамровда кўриб чиқилган.

Илмий тадқиқот давомида эркин иқтисодий зоналар, хусусан "Навоий"

эркин иқтисодий зонаси ва мазкур зонада мавжуд саноат корхоналарнинг фаолият турлари ўрганиб чиқилган. Шунингдек "Навоий" эркин иқтисодий зонасида 2018-2021 йиллар мобайнида қайд этилган молиявий кўрсаткичлар, яъни эркин иқтисодий зонада амалга оширилган инвестицион лойиҳалар сони, мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати, шу жумладан лойиҳага киритилган хорижий инвестициялар қиймати ҳамда лойиҳа юзасида яратилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар статистик кузатув асосида йиллар кесимида таққосланган ва сўнги йиллардаги ўсиш суръатлари ҳисобланиб натижалар таҳлил этилган.

Изланишлар сўнггида мамлакат иқтисодий-географик ҳудудларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш, бу борада самарали инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш асосида эркин иқтисодий зоналардан фойдаланиш имкониятларини амалиётга қўллашда умумий хулоса берилган ҳамда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича жаҳон ҳамжамиятида ривожланган мамлакатлар тажрибасини амалиётга кенг тадбиқ этиш билан боғлиқ бир қатор таклифлар келтириб ўтилган.

Abstract. In this article, the ways of turning Free Economic Zones into an effective means of increasing the competitiveness of the national economy, macroeconomic factors of increasing the investment activity of Free Economic Zones, as well as the activities of enterprises operating in the "Navoi" Free Economic Zone, which is of great importance in the development of the economy of the Republic of Uzbekistan today, At the same time, the

opinions expressed by economist scientists who conducted their research on the activities of Free Economic Zones on the sphere have been studied. On the basis of the studied literature, the basics of the organization of Free Economic Zones, the purpose of their organization and the tasks set out for the achievement of this purpose, investments in the economic sectors of the country using the factor of Free Economic Zones, in particular, the active involvement of foreign direct investment, ensuring a favorable investment climate, increasing investment activity are considered.

During the scientific research, the Free Economic Zones, in particular the "Navoi" Free Economic Zone and the types of activities of existing industrial enterprises in this zone have been studied. Also, financial indicators recorded in the Free Economic Zone "Navoi" for 2018-2021 years, that is, the number of investment projects implemented in the Free Economic Zone, the total cost of these projects, including the cost of foreign investments included in the projects, and the data on the jobs created, which, based on statistical observation are compared in terms of years, on the project surface.

At the end of the research, a general conclusion was given in the application of the possibilities of using Free Economic Zones in the field of ensuring investment attractiveness of the economic-geographical regions of the country, development and implementation of effective investment programs in this regard. A number of proposals have been made on the further development of the activities of Free Economic Zones in connection with the wide implementation of the experience of developed countries in the world community into practice.

Калим сўзлар: эркин иқтисодий зона, миллий иқтисодиёт, кичик саноат зоналари, махсус имтиёзлар, инвестицион фаоллик, инвестиция муҳити, инвестиция, инвестор, инфраструктура

Keywords: free economic zone, national economy, small industrial zones, special privileges, investment activity, investment climate, investment, investor, infrastructure

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг иқтисодий тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли мамлакат иқтисодиётини, инвестиция фаолиятини янада юксалтириш борасида жаҳон тажрибасида муваффақиятли ўрин эгаллаган эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лар фаолиятини такомиллаштириш бугунги кунда иқтисодий ривожланиш, инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини тпртибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 25-апрелда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги 220-І-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда келтирилган таърифга кўра эркин иқтисодий зона бу минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.[1]

Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва

ривожлантиришдан асосий мақсад – янги иш ўринларини яратиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини ошириш бўйича муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади, балки миллий иқтисодиётни халқаро бозорга интеграциялашган ҳолда замонавий юқори технологияли, импорт ўрнини босувчи ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни малакали мутахассислар томонидан замонавий технологияларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва қувватларни ошириш ҳисобланади[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 25-октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самардорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3356-сон қарорига мувофиқ, ҳозирда республикада 22 та эркин иқтисодий зона ва 410 дан ортиқ кичик саноат зоналари фаолият олиб бормоқда.[15]

Эркин иқтисодий зоналарни миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситасига айлантириш ҳамда уларга инвестициялар, хусусан хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш учун бугунги кунда республикада уларни ривожлантириш бўйича аниқ стратегияни ишлаб чиқиш, ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 29-сентябрдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонига кўра “...Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш...”[3] мақсад қилиб белгиланган. Бу эса ўз навбатида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий омилларидан бири бўлган ЭИЗларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини англатадаи.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2012-йил 10-апрелда “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сон Фармонига мувофиқ эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишда, инвестициялар ҳажмига кўра 3 йилдан 7 йилгача алоҳида солиқ имтиёзлари тадбиқ қилинади. Қонунга кўра 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида хорижий инвестициялар жалб қилинганда 3 йил муддатга 3 миллион АҚШ долларида ортиқ ва 10 миллион АҚШ долларида қийматда хорижий инвестициялар жалб қилинганда 5 йил муддатга 10 миллион АҚШ долларида ортиқ ҳажмда хорижий инвестициялар жалб қилинганда 7 йил муддатга солиқ имтиёзлари берилади.[2]

Материал ва метод. Мақолада эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ёритишга қаратилган бир қанча тадқиқот усулларидан, жумладан шарҳлаш, статистик кузатув, солиштириш, таққослаш, индукция ва дедукция, монографик тадқиқот, кластерлаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Мазкур соҳа юзасидан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўз асарларида кенг қамровли таъриф ва фикрлар бериб ўтишган.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Т.Фароле, Дж.Жан, И.Шаблинский, В.Попов, Т.П.Данько, К.Ёнджин томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларида эркин иқтисодий ҳудудлар турлари, фаолияти ва инвестицияларни жалб қилиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикаимиз иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов, С.С.Мирзалиева, Ш.И.Мустафакулов, Ж.Каримкулов, А.А.Остонакулов, М.А.Раимжонова, С.С.Бозаровларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва ўрганилган.

Юқоридаги олимлар томонидан яратилган иқтисодий адабиётларда эса эркин иқтисодий ҳудудларга турлича таъриф берилган. Хусусан, Т.П.Данько ва З.М.Окрутлар эркин иқтисодий ҳудудларни “...кулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотикни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми”[5] сифатида баҳолайдилар.

Махсус иқтисодий зона моҳиятининг энг кенг қамровли таърифи иқтисодчи олим профессор А.М. Басенко томонидан тақдим этилган бўлиб, у мазкур ҳудудий-хўжалик субъектларига қуйидагича таъриф беради: “...сифатли хусусиятларнинг уйғунлиги туфайли имтиёзли валюта-божхона режимига ва солиқ имтиёзларига эга бўлиш. Хорижий ва миллий капитални, инвестиция ресурсларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари бўлган жаҳон ва миллий-

давлат иқтисодий маконининг инновацион ва тадбиркорлик салоҳиятини юқори даражада жамлашнинг асосий нуқталари.”[6]

Т.Авишек фикрича, эркин иқтисодий зоналар алоҳида ажратилган божсиз анклав бўлиб, савдо операциялари, божхона ва тарифлар учун чет эл худуди деб тарифлайди[7]. Д.Матъе бу ҳақида қуйидагича таъриф беради. Эркин иқтисодий зоналар хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида бошқа турдаги тартибга солинадиган ва қабул қилувчи мамлакатдан бошқариладиган географик жиҳатдан аниқланган ҳудуд[8].

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан эркин иқтисодий зоналардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндашилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, эркин иқтисодий зона – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд[9].

С.С.Мирзалиева томонидан берилган таърифга кўра, эркин иқтисодий зона – мамлакат (ёки мамлакатлар) ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган қисмидир.[10]

Бизнинг фикримизга кўра эса, “Эркин иқтисодий ҳудудлар деганда, муайян иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кенгайтирилган мустақилликка, бошқарувнинг махсус режими ва

инвесторлар иқтисодий фаолияти учун преференциал шароитларга эга бўлган ҳудудни тушуниш мумкин. Ушбу умумий таъриф, жаҳон амалиётида учрайдиган турли хил ва шакллардаги эркин иқтисодий ҳудудлар ва уларга берилган таърифларни битта умумий қаторда жойлаштириш имконини беради.”

Натижалар. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида эркин иқтисодий зоналарлар омилидан фойдаланиш юқори натижаларга эришишнинг учун асосий фаолиятларидан бири бўлиб бормоқда. ЭИЗлар фаолияти вақтинча бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланишдан иборат.

Хозир жаҳонда 5 мингдан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улар турли-туман мақсадларни амалга ошириши, муайян вазифаларни бажариши учун ташкил қилинган.[14] Олдинга қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб бу вазифалар иқтисодий, ижтимоий ва технологик ислохотларни амалга оширади. Қуйида келтириб ўтадиган вазифаларни мазкур зоналарнинг асосий мақсадлари сифатида кўришимиз мумкин:

- махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий капитални ва илғор технологияларни жалб этиш;

- тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш учун меҳнат таксимоти афзалликларидан фойдаланиш;

- янги иш жойларини яратиш;

- ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаш соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ҳисобидан иш кучи малакасини ошириш

Ўзбекистон Республикаси мисоли-да эркин иқтисодий зоналарнинг мақсад-ларига қўшимча қилиб қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоғларини йўлга қўйиш;

- мамлакат ташқи савдо айланмаси натижасида мусбат қолдиққа эришиш ва уни барқарорлигини таъминлаш;

- барча ҳудудларни, айниқса, тарихий аҳамиятга молик шаҳарларнинг саноатини ривожлантириш;

- аҳоли даромадлигини доимий, узлуксиз ошириш ва бошқа кўплаб мақсадлар кўзланган.[11]

ЭИЗлар фаолиятида энг аввало инвестицион фаоллик муҳим рол ўйнайди. Шу сабабдан инвестицион фаолликни ташкил этишнинг қатор омиллари мавжуд (1-расм)



1-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигини таъминлашнинг макроиқтисодий омиллари[12]

Инвестицион фаолликнинг асосини кўриб ўтганимиздек мамлакатнинг иқтисодий ҳуқуқий ривожланиш даражаси ташкил этади. Агар мамлакатда ЭИЗлар фаолияти учун ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаса, бу соҳада фаоллик кузатилмайди. Кейинги ўринларда эса мамлакатда инвестицион фаоллик инфратузилмаси ривожланган ва техник хавфсизлик даражаси юқори тарзда таъминланган бўлиши лозим.[13] ЭИЗлар

фаолиятини мувоффақиятли ташкил этиш ва юритиш борасида тадбиркорлик учун молиявий, солиқ, маъмурий ва ташқи савдо имтиёзларини бериш ўз самарасини беришини кузатишимиз мумкин. Инвестицион фаолликни ошириш борасида келтириб ўтган омилларимиз узвий равишда республикада тадбиркорлик фаолиятининг ривожига ҳам асос бўла олади, тадбиркорлик ривожланган мамлакатда эса иқтисодий

ўсиш кузатилади. Шу сабабдан ЭИЗларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш мамлакат иқтисодийнинг сезиларли даражада ўсишига имкон яратиб беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ЭИЗлар фаолияти вақтинча бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланишдан иборатдир. Бу борада, Республикаimizдаги ЭИЗлар самарали фаолият юритиб келмоқда, бунга яққол мисол қилиб, Навоий ЭИЗсининг фаолиятини келтириб ўтсак бўлади.

“Навоий” ЭИЗда ўзгача ҳуқуқий режим амал қилади шунингдек, солиқ, валюта ва божхона режими ҳам, чиқиш ва кириш тартибларининг оддийлаштирилганлиги, Ўзбекистон Республикаси норезидент-фуқароларининг меҳнат фаолиятларини олиб боришларига рухсат олиш, бир қанча солиқ, божхона ва шунга ўхшаш бошқа мажбурий тўловлардаги имтиёзлар шулар жумласидандир.

Инвесторлар учун қулай шароит яратиш мақсадида, “Навоий” ЭИЗ корхонаси юқори даражали инфра-тузилмалар билан таъминланган. ЭИЗдаги корхоналар талабга жавоб берадиган инфратузилма транспорти, инженерлик коммуникацияси, меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат қилувчи ҳаётини маиший қулайлик билан таъминлаш борасида тубдан таъминланган.

“Навоий” ЭИЗ бевосита халқаро аэропорт, Е-40 автомагистралли ва халқаро миқёсдаги темир йўл билан яқин масофада жойлашган бу Навоийнинг мультимодал транспорт-логистика тизимини максимал тарзда самарали қўллаш ёрдам беради.

Айни дамга қадар Навоий ЭИЗда 28 та саноат зоналари фаолият юритиб келмоқда ва шу зоналар фаолияти

юзасидан 60 дан ортиқ бизнес лойиҳалар реализация қилинган. Юқоридаги саноат зоналари ичида Корея билан ҳамкорлик асосида ташкил этилган “UzEraeAlternator” МЧЖ кўшма корхонаси ўзгача ўрин эгаллаб туради. “UzEraeAlternator” МЧЖ кўшма корхонаси 2011-йилда ишга тушган бўлиб, бугунги кунда 67 та янги иш ўрнини ўз ичига олади. Ушбу кўшма корхонага хорижий ҳамкор “Erae CS Limited” (Жанубий Корея) корхонаси ҳисобланиб, биргаликда кўплаб муваффақиятли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 29-декабрдаги ПҚ-1455-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида” ги Фармони бажариш учун, шунингдек, юқори технологияли объектларни яратиш мақсадида. “General Motors” АЖ автомобиллари учун автомобиль компрессорлари ва генераторлари ишлаб чиқариш учун “Навоий” ЭИЗси “Erae CS Limited” масъулияти чекланган жамияти (Корея Республикаси) билан биргаликда 4,66 миллион АҚШ долларигача устав капиталига тенг тақсимланган ҳолда яратилган. Лойиҳанинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси автомобил-созлик саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида замонавий, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, автомобил компонентларини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш қувватларини яратиш. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати - “GM Uzbekistan” томонидан ишлаб чиқарилган барча маркали автомобиллар учун 360 минг генератор ва 170 минг компрес-

сорларни ишлаб чиқаришга етади.[16]
Шунингдек, Корхона
маҳсулот-ларни автосервис орқали
Россия, Қозоғистон ва Озарбайжон каби
қўшни давлатларга экспорт қилиш
имконият-ларига ҳам эга.

Бундан ташқари, Навоий ЭИЗда
кўплаб муваффақиятли фаолият юритиб
келаётган корхоналар мавжуддир.
(1-жадвал)

1-жадвал

**“Навоий” ЭИЗда фаолият юритиб келаётган саноат корхоналари
хақида маълумот¹**

№	Саноат корхонасининг логотипи	Ташкилот (корхона) номи	Фаолият тури
1.		"UzEraeCable" (Корея) МЧЖ ҚК	"Автомобиллар учун симлар ва аккумуляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш"
2.		"UzEraeAlternator" (Корея) МЧЖ ҚК	"Автомобиллар учун симлар ва аккумуляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш"
3.		"O`z Minda" (Ҳиндистон) МЧЖ ТТИ	"Автомобил қисмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш"
4.		"Polietilen Quvurlar" (Ўзбекистон) УЭ	"Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ташкилоти"
5.		"Polipropilen Quvurlar" (Ўзбекистон) УЭ	"Полипропилен қувурлар, арматура ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкилоти"
6.		"Telecom Innovations" (Сингапур, Хитой) МЧЖ ҚК	"Телевизор тюнерлари, ADSL модемлари ва уй дарвозалари учун ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш"
7.		"NB Cosmetics"(Корея) МЧЖ ҚК	"Косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкилоти"
8.		"Navoiy Hunan Pulp"(Хитой) МЧЖ ҚК	"Болалар бешик гигиенаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкилоти"

¹ Электрон манбалар асосида муаллифлар томонидан тузилди. Манба:
<https://www.feznavoii.uz/ru/menu/predpriyatija-sez-navoi>

9		"Agrofresh"(БАА) МЧЖ ҚК	"Мева ва сабзавотларни сақлаш"
10		"KO-UNG Cylinder" (Корея) МЧЖ ҚК	"Автомобиллар учун газ баллонларини ишлаб чиқариш ташкилоти"

Юқоридаги корхоналар бугунги кунга қадар самарали фаолият юритиб мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Албатта бу даражада фаолият олиб боришнинг энг

лойиҳаларнинг умумий қиймати, шу жумладан, хорижий инвестициялар қиймати ҳамда яратилган иш ўринлари ҳақида тўхталиб ўтсак. (2-жадвал)

2-жадвал

“Навоий” ЭИЗда 2018-2021 йиллар давомида қайд этилган кўрсаткичлар²

Кўрсаткичлар номи	Йиллар			
	2018	2019	2020	2021
Амалга оширилган лойиҳалар сони	30	37	53	71
Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн. АҚШ долл.)	167.5	195.1	282.8	417.7
Шундан, хорижий инвестициялар қиймати (млн. АҚШ долл.)	49.8	50.9	72.6	120.6
Яратилган иш ўринлари сони	1269	2375	3808	4682

Мунозара. 2-жадвалдаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, “Навоий” ЭИЗда 2019-йилга қадар 1269 та иш ўрнига эга 30 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 167.5 млн. АҚШ долларини, шу жумладан хорижий инвестициялар қиймати 49.8 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2020-йилга келиб мос равишда иш ўринлари сони 2375 тани ташкил этиб, амалга оширилган инвестицион лойиҳалар сони

37 тага етди. Инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 195.1 млн. АҚШ долларини, шундан 50.9 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил этмоқда. 2021 йилда 13 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, мазкур ЭИЗда амалга оширилган жами лойиҳалар сони 53 тани ташкил этиб, яратилган иш ўринлари сони эса 3808 тага етди. Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати эса 282.8 млн. АҚШ долларини, шундан 72.6 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил этди. 2022-йил январ ойи маълумотларига кўра 2021-йилда 18 та инвестицион лойиҳа мувоффақиятли

² Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

амалга оширилиб жами амалга оширилган лойиҳалар сони 71 тага кўпайди. Бугунги кунда ушбу 71 та лойиҳа доирасида 4682 та иш ўрни яратилган. Мазкур лойиҳаларнинг жами қиймати 417.7 млн. АҚШ долларини, шу жумладан 120.6 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияларни ташкил этмоқда.

Юқоридаги таҳлил натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак 2022 йил бошига жами инвестицион лойиҳалар қиймати 417.7 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 134.9 млн. АҚШ долларига ёки 147.7 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда 2021 йил якуни бўйича хорижий инвестициялар ҳажми 120.6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 48 млн. АҚШ долларига ёки 166.1 фоизга ошганли алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида мамлакатимиз ЭИЗлари инвестицияларни фаол жалб қилиш борасида самарали фаолият юритиб келаётганлигини билдиради.

Хулоса. Умумий ҳулосага келадиган бўлсак мамла-катимизда ЭИЗлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида жаҳон-ҳамжамиятидаги давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ва ЭИЗлар фаолияти юзасидан ҳар бир зона статистикаси

мавжуд умумий ва алоҳида сайтлар ташкил этиш лозим. Ҳар бир ЭИЗ тўғрисидаги статистика инвесторларни ўзига жалб этади, шу боис юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ЭИЗларни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш ижобий кўрсаткич олиб келиши мумкин.

- мамлакатимизда инвестицион фаолликни оширишда ҳамда транспорентликни таъминлашда, мавжуд ЭИЗлар фаолияти тўғрисида доимий маълумот билан таъминланган ва аниқ статистик маълумотлар келтирилган сайт фаолиятини йўлга қўйиш.

- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодийда ҳамда инвестиция фаол жалб қилишда муҳим ўрин эгаллаган ЭИЗ ташкил этиш, уларни самарали фаолиятини таъминлаш, бу борада йирик таълим муассасаларининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш, бунда мамлакатнинг иқтисодий турғунликдаги ҳудудларида ЭИЗларни ташкил этиш орқали иқтисодий (ҳудудда саноат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва мавжуд фаолият кўрсатмаётган саноат тармоқларини қайта тиклаш) ва ижтимоий муаммолар (аҳоли бандлиги, инфратузилма тармоқлари ҳолатини яхшилаш)ни бартараф этишда ўзини ижобий самарасини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 25-апрелда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 220-I-сон Қонуни. Манба: <https://www.lex.uz/docs/-2046?ONDATE=19.04.2018>
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2012-йил 10-апрелда “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сон Фармони Манба: <https://lex.uz/docs/1994789>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 29-сентябрдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни 2020-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси. Манба: Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари асосида. Манба: <https://mift.uz/>
5. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М.-1998. С:168.
6. Басенко А.М. Функции свободных экономических зон в механизме интеграции национальной экономики в систему мирохозяйственных связей : диссертация ... доктора экономических наук : 08.00.14. - Ростов-на-Дону, 2002. - 341 с.
7. Avishek Topno. What is Special Economic Zone? The Economic Times. Available: <https://economictimes.indiatimes.com/news/economy/policy/what-is-special-economic-zone/articleshow/1164460.cms>
8. Special economic zones as a tool for economic development De Matthieu, Anshu Vats, Stephen Clements Available: <https://www.oliverwyman.com/content/dam/oliverwyman/ME/banners/Special%20Economic%20Zonesdigitalrev.pdf>
9. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
10. Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати . Тошкент. ТДИУ, 2001. 8-бет.
11. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24 б.
12. Маннопова Ш. Инвестицион фаолликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. 6-бет.
13. Абдукахоров Б.У. Повышение инвестиционной привлекательности экономических регионов узбекистана и улучшение условий для привлечения иностранных инвестиций // Студенческий вестник: электрон. научн. журн. 2022. № 14(206). URL: <https://studvestnik.ru/journal/stud/herald/206> (дата обращения: 11.05.2022).



14. Абдукахоров Б.У. Роль инвестиционной деятельности в экономическом развитии стран G7 [Электронный ресурс]// Экономика и социум.-2022.- №4(95) (дата публикации:(13.04.2022).
15. RL:https://www.iupr.ru/files/ugd/b06fdc_891644f403cd434e895978f77fb3190e.pdf?index=true
16. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазлиги расмий сайти маълумотлари. Манба: <https://mift.uz/>
17. Ўзбекистон Республикаси Навоий эркин иқтисодий зонаси расмий сайти маълумотлари: <https://www.feznavei.uz/>